



Tadcqiqot UZ

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**28 FEVURAL
№25**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 25-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
11 - ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
25-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ- 11**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
25-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART- 11**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 25-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 14 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ

1. Ochilov Keldiyor Sattorovich SPORTNING YOSHLAR TARBIYASIDAGI O'RNI VA AHAMIYATI	7
2. Синдарова Фазилят БАДИЙ ГИМНАСТИКАДА БУЮМЛАР БИЛАН БАЖАРИЛАДИГАН МУСОБАҚА КОМПОЗИЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	8
3. Qurbonova Sarvinoz Ro'ziqul qizi, Haydarova Shoira Axmadovna O'QUVCHILARNI JISMONIY SOG'LOM QILIB TARBIYALASHDA MILLIY HARAKATLI O'YINLARNING ROLI	10
4. О.Ф.Қамбаров ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ЎҚИТУВЧИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КАСБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	12



ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ

SPORTNING YOSHLAR TARBIYASIDAGI O'RNI VA AHAMIYATI

Ochilov Keldiyor Sattorovich
Navoiy viloyati, Qiziltepa tumani
24-umumiy o'rta ta'lim maktabi
Jismoniy tarbiya fani o'qituvchisi

Sog'lom xalq, sog'lom millatgina buyuk ishlarga qodir bo'ladi.
O'zbekiston Respublikasi Birinchi prezidenti
Islom Karimov

Annotatsiya: ushbu maqolada sportning yoshlar tarbiyasidagi ahamiyati va roli to'g'risida fikrlar bayon qilinadi.

O'zbekiston Respublikasi mustaqilikka erishganidan keyin demokratik va erkin huquqiy jamiyat barpo etish yo'lida mustaqil fikrlovchi, aqliy, ma'naviy-axloqiy va jismoniy jihatdan yetuk, barkamol avlodni tarbiyalash zarurati kun tartibiga qo'yildi. Bugungi kunda inson, uning hayoti va salomatligini ta'minlash, o'sib kelayotgan yosh avlodni jismoniy baquvvat qilib tarbiyalash dolzarb ijtimoiy masala ko'magiga aylanmoqda. O'zbekiston mustaqilligi tufayli boshqa sohalar kabi jismoniy madaniyat va sport sohasida birinchilardan bo'lib qonun loyihasi ishlab chiqildi va 1982-yil 14-yanvarda Respublika Oliy majlisining sessiyasida tasdiqlandi. "Jismoniy tarbiya va sport to'g'risidagi qonunda davlat va jamoat tashkilotlarining burchi, vaziflari va huquqlari alohida belgilab berildi. Qonunning 28- moddasida jismoniy madaniyat va sport harakati bilan bog'liq bo'lgan barcha sohalar kafolatlandi. Xususan, Yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyev boshchiligida joriy yil 5-mart kuni "Jismoniy tarbiya va sport sohasida davlat boshqaruvi tizimi tubdan takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida" gi farmoni qabul qilingan edi. Farmonga muvofiq ilgari davlat qo'mitasi va uning hududiy bo'linmalari negizida O'zbekiston Respublikasi Jismoniy tarbiya va sport vazirligi tashkil etilib, uning vazifa va vakolatlari kengaytirildi. Yurtboshimiz sportga qaratayotgan e'tiborlari zoye ketmaganligini sportchilrimiz ko'p bora isbotlashdi. Xususan, Avgust-Sentabr oylarida Indoneziyada o'tkazilgan Osiyo o'yinlarida sportchilarimiz 21 ta oltin, 24 ta kumush, 25 ta bronza jami 70 ta medalni qo'lga kiritdilar.

Mamlakatimiz oltin medallar soni bo'yicha 5 - o'rinni egallagani o'zbek sporti tarixida eng yaxshi natija bo'ldi. Bu esa mamlakatimizni tom ma'noda sport mamalakatiga aylantirdi. Birgina 2016-yil Brazilyada Olimpiya va Paralimpiya o'yinlarida sportchilarimiz erishgan natijalari jahon sport jamoatchiligiga mamlakatimizni sporti jadal rivojlanayotgan davlat sifatida tanitdi. Yana bir quvonarli tomoni shundaki, Respublikamiz hududida 225ta bolalar va o'smirlar sport maktabi mavjud bo'lib, bulardan 53 tasi sport turlariga ixtisoslashgan bolalar va o'smirlar sport maktabidir. Bu yerda tahsil olayotgan o'quvchilar esa Osiyo, Jahon chempionatlarida O'zbekiston bayrog'ini yuksak cho'qqilarga ko'tarishmoqda. Bu yutuqlar esa millatimizning yutug'idir va biz bundan faxrlanamiz. Men o'z faoliytim yuzasidan kelib chiqib aaytamanki o'sib -ulg'ayotgan har bir farzandni vatanga muabbat, qolaversa, sport bilan muntazam shug'ullanadigan qilib tarbiyalaylik. Zero, Sog' tanda - sog'lom aql deb bejiz aytilgan. Yurtimiz bayrog'i har doim sarbaland bo'lsin.

Foydalanilgan adabiyotlar;

1. Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil 20-sentabr kungi jismoniy tarbiya va sport sohasini rivojlantirish masalalariga bag'ishlangan nutqidan.
2. Jismoniy tarbiyani rivojlantirish kitobidan.



БАДИЙ ГИМНАСТИКАДА БУЮМЛАР БИЛАН БАЖАРИЛАДИГАН МУСОБАҚА КОМПОЗИЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУСУСИЯТЛАРИ

Синдарова Фазилат.
УДЖТСУ Чирчик ш.
Tel: 971496727
talizaf.uz@gmail.com

Тадқиқотнинг долзарблиги. Жаҳоннинг етакчи гимнастикачиларининг мусобақавий дастурларининг мазмунини анализи шуни кўрсатадики, замонавий бадий гимнастиканинг келажаги, юқори мураккаблик, техник мукамалликни композицион бойлик ва машқларнинг оригиналлиги, артистизм ва ижронинг ифодавийлиги билан уйғунлаштира оладиганлар кўлида.

Кўрсатилган ҳаракатлар бизнинг махсус илмий тадқиқотимизни долзарб қилади. У предметлар билан машқлар техникасини ўргатиш услубининг мазмунини, кўпкураш комбинациялари шаклланишининг композицион ўзига хосликларини очиб беришга ёрдам беради. Шунингдек, гимнастик мусобақавий ҳаракатларни юқори техник даражада бажариш муваффақиятини таъминлайди.

Тадқиқот вазифаси. 10-12 ёш гимнастикачи қизларга мусобақавий композициянинг ишлаб чиқилган вариантини тажрибада асослаб бериш.

Илмий ишни ташкил қилиш. Тадқиқот 2013 йилнинг сентябридан 2014 йилнинг декабригача, бадий гимнастика бўйича МБЎОЗСМ базасида Тошкент шаҳрида ўтказилди. Унда 34 та ёш гимнастикачилар қатнашди, улар орасида 2-чи ва 1-чи разрядли 10-12 ёшли қизлар қатнашди. Уларни икки гуруҳга бўлиб, бири тадқиқот гуруҳ (ТГ), иккинчиси назорат гуруҳи (НГ) деб номланди. Тадқиқот 3 босқичда олиб борилди.

Илмий ишнинг натижалари. Олиб борилган илмий кузатиш натижаларига биноан мусобақадан келиб чиққан ҳолда тўғридан тўғри гимнастикачиларнинг кейинги босқич кўрсаткичларига етгандан кейин (тартиблантирилган тарзда): ҳаракатлантирувчи – координацион имкониятлари, эстетик элементлар, мусобақа талаблари юқори натижаларга етгандан кейинги физиологик сифатларнинг ривожланиши априорная андоза кўрсатилган. Физиологик белгиларига нисбатан генетик жихатдан таъминланган бўлса ҳаммасидан кўра бардошли бўлади (аэроб ва анаэробда ҳам бир хил).

Илмий ишда ёш гимнастикачиларнинг ўзига хос хусусиятларини кетма кетликда самарали шакллантиришда мусобақа дастурлари ва мусобақа натижаларидаги композицияларни морфологик ва ҳаракатлантирувчи қобилиятларига таъсир ўтказиш орқали баҳолаш методидаги кичкина бўлмаган муҳим саволларда ишлов бериш орқали намоён бўлади.

Бу бир қатор тадқиқотларда ўз ифодасини топган қоидаларга мос бўлиб, спортчининг ёши ва спорт малакасига қараб унинг тайёргарлигини назорат қилиш турли хил мезонлар ёрдамида амалга оширилиши лозим. Шу билан бирга шунга эътибор қаратиш жоизки, бир қатор кўрсаткичлар – “билак айланаси”, “болдир айланаси”, “елка узунлиги”, “билак узунлиги”, “панжа узунлиги”, “сон узунлиги”, “болдир узунлиги”, “мураккаб танлаш реакцияси”, “қўлларни силтаб юқорига сакраш”, “чамбаракни отишлар”нинг ахборотлилиги ёш ҳамда гимнастика билан шуғулланиш стажи ортиб борган сари пасайиб боради. Иккинчи томондан “оёқ қафти узунлиги”, “елка айланаси”, “товушли сигналларга реакция”, “асаб жараёнларининг ҳаракатчанлиги”, “бурчак бўлиб осилиш” каби кўрсаткичларнинг ахборотлилиги гимнастикачи стажи ортиб боргани сари ортади.

Шундай қилиб, ушбу кўрсаткичларнинг гимнастикачилар махсус қобилиятларининг шаклланиши жараёнида етакчи аҳамиятга эга эканлиги тасдиқланди. Шу сабабли ёш спортчиларни бошланғич саралаб олиш мезони комплексини аниқлашда улар биринчи навбатда олиниши керак.

Гимнастикачиларнинг ҳаракат қобилиятлари шаклланишига педагогик таъсирларнинг ахборотлилигини ўрганиш учун тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқот дастурига 14 хил ўлчамлар киритилиб, улар педагогик таъсирнинг махсус қобилиятлар кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш имконини берди.

Корреляционбоғланишларметодималакалигимнастикачиларнинг махсустайёргарликлари даражасига таъсир қилувчи тўртта омилни аниқлашга имкон берди. Олинган натижаларнинг



кўрсатишича спорт натижаси (буюмсиз, арғамчи, тўп, тасма, гардиш билан машқлардаги баҳо) ҳамда таърифланган омилларга кирувчи 10 та кўрсаткичнинг бирга таъсири ўртасида ишончли боғлиқлик мавжуд.

Тадқиқот натижалари қуйидагиларни эътироф этишга асос бўла олади:

- тезлашишда ва мураккаблик гуруҳи сонининг ошишида номоён буладиган тезлик куч хусусиятига эга дастурдаги машқларнинг динамикаси ортиши билан уларнинг мусобақа комбинацияларини шакллантиришдаги ахамияти ортади;

- махсус чидамлилиқ қобилиятлари ва координацияни баҳолаш ёш гимнастикачиларни назорат қилиш ҳамда барча тайёргарликни керакли йўналтириб бориш методлари мазмунига киритилиши, яъни улар махсус харакат қобилиятларининг умумий тузилмасида энг ахборотли хисобланади.

Самарали тадқиқот методни қўллаш гимнастикачиларни буюмлар билан бажариладиган машқларни тайёрлашнинг иккита мезонда: МЖТни ривожлантириш босқичи ва буюмлар билан бажариладиган мусобақа машқларининг сифатида номоён бўлади.

Буюм билан бажариладиган мусобақа машқлари сифатини аниқлаб олиш учун педагогик тадқиқот охирида экспериментал баҳолаш ва математик статистик методидан фойдаланилди.

Тадқиқот ўтказишимиз учун техника ва шкала бўйича белгиланган ҳамма элемент хатолари учун тахминий белгиланган эталон ишлаб чиқилгани бизга қўл келди. Қуйида натижалар олинди:

1. ТГ гимнастикачиларининг ҳамма назорат машқлари ва расмий мусобақа натижалари шубҳасиз тадқиқот охирида ўсади ва ушбу назорат гуруҳининг тадқиқот охирида шубҳасиз ($p < 0,05$) оширади.

2. НГ гимнастикачиларининг мусобақа комбинацияларини бажариш жараёнидаги техник хатолар сонининг тенглиги координацион ва композицион характерга нисбатан кўпроқ хато кузатилди (техника, амплитуда, композицияни равшан ва ифодалилиги).

3. ТГ гимнастикачилар мавжуд бўлмаган техник ва композицион хатоликларга йўл қўяди, НГ эса кўпроқ мусобақа дастури композицияларда.



О‘QUVCHILARNI JISMONIY SOG‘LOM QILIB TARBIYALASHDA MILLIY HARAKATLI O‘YINLARNING ROLI

Qurbonova Sarvinoz Ro‘ziqul qizi
Haydarova Shoira Axmadovna
Navoiy shahar 6-umumiy o‘rta ta’lim
maktabi o‘qituvchilari

Annotatsiya: Ushbu maqolada milliy harakatli o‘yinlarning o‘quvchilarni jismoniy va ma’naviy jihatdan sog‘lom qilib tarbiyalashdagi o‘rni va ahamiyati haqida fikr yuritilgan. Shuningdek milliy harakatli o‘yinlarning o‘ziga xos xususiyatlari ham yoritilgan.

Kalit so‘zlar: milliy harakatli o‘yinlar, sport, jismoniy tarbiya, o‘quvchi, murabbiy, yosh avlod, jismoniy sog‘lom, sog‘lom avlod, kelajak, ma’naviy qadriyatlar.

Milliy harakatli o‘yinlar xalq ma’naviy qadriyatlariga daxldor bo‘lib, sog‘lom avlodni tarbiyalash yo‘lidagi asosiy vositalardan biri hisoblanadi. Ayniqsa, bugungi pandemiya sharoitida o‘quvchilarni jismoniy sog‘lom, aqliy va ruhiy jihatdan barkamol inson qilib tarbiyalash muhim masala sifatida yanada dolzarbligi bilan ahamiyatli bo‘lib bormoqda. Chunki sog‘lom avlod-sog‘lom kelajak deganidir.

Mamlakatimiz yosh avlod tarbiyasiga, ularning hayotda o‘z pozitsiyasini egallashiga katta e’tibor qaratmoqda. Bu yurtimizda 2021 yilning “Yoshlarni qo‘llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili” deb e’lon qilinishida yana bir bor ko‘zga tashlandi.

Bugungi kunda butun jahonni tahlikaga solgan karonavirus O‘zbekistonni ham chetlab o‘tmadi. Aholimiz, jumladan, yoshlarni salomatligini asrab-avaylash eng dolzarb masalaga aylandi. Va bu borada bir qancha islohotlar amalga oshirildi. Mamlakatimizda har bir fuqaroning salomatligini ta’minlashda ularning jismoniy tarbiya bilan shug‘ullanishi talab etildi. Hamda targ‘ibot-tashviqot ishlari olib borilmoqda.

Oilada, mahallada, ishxonada sport bilan shug‘ullanishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Shu jumladan, umumiy o‘rta ta’lim maktablarida ham “Sport-sog‘liq garovi” shiori ostida o‘qituvchi va o‘quvchilarni sportga keng jalb qilinmoqda. O‘quvchilarni bo‘sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish maqsadida ham sport turlaridan keng foydalanilmoqda. Shu o‘rinda milliy harakatli o‘yinlarning ham o‘ziga xos jihatlari mavjud. Ajdodlardan avlodlarga meros bo‘lib kelayotgan xalq o‘yinlarining o‘rni beqiyos. Bu o‘z navbatda bolalarda ham tarixiy an‘analariga sodiqlikni va ularning jismoniy jihatdan barkamol bo‘lib etishishlarida muhimdir. Bu borada ilmiy izlanishlar olib borgan mutaxassis “Ma’naviy qadriyatlar va sog‘lom turmush madaniyati” nomli risolaning muallifi O.Jamoldinovaning o‘zbek xalq o‘yinlarining ahamiyati, vazifasi, hayotimizda tutgan o‘rni haqidagi so‘zlari bu boradagi fikrimizni aniq ifodalaydi: “Ming yillar davomida ajdodlarimizning jismoniy, ma’naviy, ruhiy va aqliy rivojlanishi uchun vosita bo‘lib kelgan, madaniy merosimizning uzviy va ajralmas qismi bo‘lgan, avlod-ajdodlarimizga asrlar mobaynida ruh, jon xalq o‘yinlarini tiklash va ulardan samarali foydalanish milliy qiyofamiz, ma’naviyatimiz va qadriyatlarimizni yuksaltirish demakdir. Zero, xalq o‘yinlari o‘zining ommabopligi, tarbiyaviy ahamiyati, yoshlarning jismoniy va ruhiy rivojlanishi hamda ma’naviy-ahloqiy tarbiyasiga ta’siri nuqtai nazaridan bugungi kunda yangi texnologiyalar bilan boyib bormoqda”.

Milliy harakatli o‘yinlar pedagogik-psixologik va jismoniy jihatdan tarbiyaviy ahamiyati katta. Milliy xalq harakatli o‘yinlaridan “Quvlashmahoq” o‘yinini oladigan bo‘lsak, bu o‘yin bolalarda qat’iyatlilik ko‘nikmalarini hosil qilish, sabr–chidamga o‘rgatish, topqirlik ko‘nikmalarini shakllantiriladi. “Chillak” o‘yini esa o‘tloq va sport maydonchasida o‘tkaziladi. Bu o‘yinni o‘ynashda bolalarning yosh xususiyatlariga e’tibor berish lozim. “Ko‘z boylash” xalq harakatli o‘yinida bolalarning ko‘proq psixologik hissiyotlari yanada mustahkamlanadi. “Oq terakmi, ko‘k terak” milliy harakatli o‘yinida bolalar jamoa uchun harakat qilishi lozim. Bu o‘yinlarning barchasi tabiat qo‘ynida, toza havoda hamda qish faslida tashkil etiladi.

Bu harakatli o‘yinlar bolalarning nafas olish sistemasining ish faoliyatini yaxshilaydi. Qon aylanish sistemasi mustahkamlanadi. Bolalarning harakat organlari yaxshi rivojlanadi, qaddi – qomati chiroyli bo‘lib o‘sadi. Bolalar uchun xonada yoki sayr qilish chog‘ida o‘tkaziladigan harakatli o‘yinlar va mashqlar ularning harakat faoliyatini oshiradi, o‘rganib o‘zlashtirganlarini mustahkamlashga zamin yaratadi va eng muhimi tarbiyalanuvchilar sog‘ligini yaxshilaydi. Milliy



harakatli o'yinlar bolalar xotirasi, fikrlash qobiliyatining rivojlanishida muhim o'rin tutadi. O'yinda ro'y bergan vaziyatga qarab darhol tegishli javob harakatini amalga oshirishi yutuq yoki mag'lubiyatga olib keladi. Bu hayotda ziyraklik va tezkorlik bilan aniq javob tayyorlashga o'rgatadi.

Milliy o'yinlarning ko'pchiligi bilan 3-4 yoshda boshlab shug'ullanishi mumkinligi nazarda tutilsa, o'yinlar orqali yoshlarni har tomonlama kamolotiga buning ta'siri qanchalik erta boshlanishini tasavvur qilish mumkin. Jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlari yoshlarning bo'sh vaqtdan oqilona foydalanishni ta'minlashi, bo'sh vaqtni mazmunli o'tkazilishi uchun muhimdir. Buning natijasida sog'liq mustahkamlanadi va ish qobiliyati oshadi. Jismoniy tarbiya aqliy tarbiya bilan chambarchas bog'langandir, chunki intellektual ravishda inson ma'naviy kuchlarining qaror topishi, uning sog'lig'i, chidamli ekanligi, asab tizimining mustahkamligi bilan ham belgilanadi. Mahallalar, bolalar bog'chalari, umumta'lim maktablari va boshqa turdagi o'quv yurtlarida milliy o'yinlarni o'rgatish jismoniy tarbiyani aholi orasida, eng avvalo mahalliy xalq orasida ommalashuvga keng yo'l ochadi. Milliy o'yinlarning kelajakda yosh avlodni sog'lom, barkamol qilib tarbiyalashdagi roli beqiyos kattadir. Milliy o'yinlar hammabop, maxsus sport maydonlari va inshootlarni talab etmaydi. O'yin jihozlari oddiy, shug'ullanuvchilar o'zlari qiyinchiliksiz tayyorlab oladilar.

Milliy o'yinlar bebaho qadriyatlarimizdir. Sportning milliy turlari va shakllarini tiklash hamda amaliyotga joriy etish, ayniqsa milliy sport o'yinlari haqida ma'lumotlar yig'ish, ularni boyitish va shular asosida yoshlarimiz o'rtasida keng targ'ibot va tashviqot ishlarini olib borish ham dolzarb masala hisoblanadi. Chunki milliy harakatli o'yinlar ham xalq qadriyatlariga daxldor bo'lib, ularni boyitish sog'lom avlodni tarbiyalash yo'lidagi muhim va zaruriy vazifalardan biridir. Sog'lom nasl, jismonan baquvvat, shu bilan birga ruhi, fikri toza, iymon e'tiqodi butun, bilimi, ma'naviyati yuksak, mard va jasur, vatanpavar avlodni kamolga yetkazish ajdodlarimizdan bizga qolgan meros, qon-qonimizga singib ketgan muqaddas intilishdir. Zero, buyuk davlatni faqat sog'lom millat, sog'lom avlodgina qura oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdullayev A. Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti. 1-jild. Farg'ona -2017.
2. Abdullayev A., Xonkeldiyev Sh .Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti. Toshkent-2005.
3. Azimov K., Sobitov K. Sport fiziologiyasi . Darslik. Toshkent-1993.
4. Yo'ldoshev S. Xalq o'yinlari - ma'naviy tafakkur omili// – Scientific journal of the Fergana State University, №. 3. 2018.



ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ЎҚИТУВЧИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КАСБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

О.Ф.Қамбаров

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази
Фарғона филиали ўқитувчи
Тел: 91-661-44-99
Почта: uraimov-sanjar@mail.ru

Аннотаци. Ушбу мақолада таълим тизимида фаолият олиб бораётган жисмоний маданият ўқитувчисининг замонавий касбий хусусиятларини очиқ беришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: жисмоний маданият ўқитувчиси, ўқитувчи-тренерлар, соғлом турмуш тарзи, касбий маҳорат, инновацион усуллар, эксперимент.

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 4-февралдаги 3135-сонли “Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш” ҳақидаги буйруғида педагог кадрлар фаолияти самарадорлигини рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад педагог кадрларнинг ўқув фани бўйича малакаси, дарс ўтиш маҳорати, иш фаолияти самарадорлигини аниқлаш, таълим сифатини яхшилаш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, ўқувчиларнинг (талабалар) фанларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

Шундан келиб чиқиб адабиётларни кўриб чиқиш пайтида замонавий жисмоний маданият ўқитувчисини кўз олдимизда гавдаланганлигини кўра олмадик. Адабиётларда меъёрларлар ва талаблар тасвирланган, аммо Ўзбекистон Республикасидаги таълим муассасасида ишлайдиган жисмоний маданият ўқитувчисининг касбий тавсифи йўқ. Биз ушбу мақолани ёзиш жараёнида биз замонавий жисмоний маданият ўқитувчисининг касбий хусусиятларини тавсифлаш учун педагогик кузатиш усули ёрдамида мамлакатимиз бир неча мактабларини кузатиш имкониятини қўлга киритдик.

XXI аср жисмоний маданият дарси ўқитувчи-тренерларининг касбий маҳорати мамлакатимизда фитнес-аэробикага қизиқувчилар сони кундан-кунга ортиб бораётганидан ҳам кўришимиз мумкин. Бу эса жисмоний маданият ўқитувчисидан ақлу-заковат, ўзини устида тинмай ишлаши ва йиллар давомида юқори интилувчанлик билан меҳнат қилишни талаб қилмоқда.

Таълим муассасаларида ишлайдиган жисмоний маданият ўқитувчилари стандартларга ва мажбурий синовларга камроқ боғлиқдирлар. Расмийлик устунлигининг йўқлиги янгиликларни, ўқитишнинг янги шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз бўйлаб ҳудудий бошқармалар, таълим муассасалари раҳбарлари замонавий жиҳозларнинг этишмаслиги, ўқитувчилар учун қулай меҳнат шароитларини ташкил этиш, жисмоний маданият дарслари орқали таълим муассасаси ичида соғлом турмуш тарзини оммалаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Касбий маҳоратни оширишнинг нафақат янги усулларини аниқлаш, балки жисмоний маданият ўқитувчиси имиджини ошириш масаласи ҳам катта рол ўйнади.

Ушбу хусусиятлардан келиб чиқиб, жисмоний маданият ўқитувчисининг касбий маҳоратини оширишнинг инновацион усулларини аниқлашнинг асосий назарий билимларини оширишга ҳаракат қилиш зарур.

Биз ушбу мақолани ёзиш жараёнида маҳаллий ва хорижий адабиётларни таҳлил қилиш, эксперимент натижалари асосида мамлакатимизнинг ўқув жараёнига мактаб жисмоний маданият ўқувчиларини киритиш ва тарқатиш учун зарур бўлган касбий маҳоратни оширишнинг инновацион усулларини аниқладик. Биз инновацияларни уч турга ажратдик:

А) «Эски эсан чикарилган»,

Б) «Мослашув»,



С)»Янги».

Яхши, унутилган, эскирган педагогик янгилик тури касбий маҳоратни оширишнинг жисмоний маданият услубига мос келади. Бугунги кунда жисмоний маданият соҳасидаги мутахассисларнинг конференциялари эскирган шаклини анжуман деб аташ мумкин. Анжуман доирасида маҳорат дарслари, машғулотлар ва маърузалар ўтказилмоқда. Одатда жисмоний маданият соҳаси бўйича анжуманлар дастури 2-3 та қизгин ўқув кунидан иборат бўлади.

Жисмоний маданият таълим тизимини модернизация қилиш соҳани билишга қаратилган ўқув қўлланмалари, ўқув дастурлари билан таъминланган ўқув юртлари нафақат билим, қобилият, кўникма тизимини шакллантириш бўйича, балки шахснинг ўзини ўзи белгилашига ҳисса қўшиш, ўзини ўзи самарали англаш учун шароит яратишдир. Муаммонинг ижтимоий аҳамияти ўртасидаги зиддият билан белгиланадиган педагогик маҳоратни ошириш соҳасидаги давлат сиёсати жисмоний маданият ўқитувчиси ва илмий даражаси етарли эмаслигидандир, бу эса ушбу жараёни услубий ва технологик қўллаб-қувватлашдан иборат. Илмий-назарий даражада муаммонинг долзарблиги қарама-қаршилик билан белгиланади, педагогикани такомиллаштирадиган мавжуд тадқиқотлар ўртасида ўзлаштириш замонавий концептуал нуқтаи назардан кўриб чиқилади, ёндашувлар эса, етарли даражада ривожланмагандек назария ва амалиёт жисмоний маданият ўқитувчисининг педагогик маҳоратидан оширишга даъват қилади. Ушбу мақолада биз жисмоний маданият ўқитувчисининг назарий масалаларини кўриб чиқдик ва ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини оширишнинг амалий масалалари жисмоний маданият ўқитувчисининг маҳорати эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилдик.

Хулоса қидиб шуни айтиш мумкинки, илмий янгилиги ва назарий аҳамияти кўриб чиқилган масалаларга эътибор қаратиш лозим лекин, бу жараёнда инсоннинг ўзини ўзи такомиллаштириш, ўзини англаш, ўзини ўзи билиш жисмоний маданият ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги ечимлар учун биз томонидан ишлаб чиқилган мақолада ушбу вазифанинг асосийси ўқитишнинг дидактик принциплари: илмий, визуал, тизимли, тизимли, узлуксизлик, фаолият, алоқа ҳаёт билан ўрганиш кабилар тушунилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 4-февралдаги 3135-сонли “Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш” ҳақидаги буйруғи

2. Решетень, И.Н. Основы педагогического мастерства учителя физической культуры [Текст] / И.Н. Решетень, И.Х. Кобер. – Алма-Ата. – 1990.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 25-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(11-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 28.02.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000